

“Тасдиқлайман”

Ўзбекистон Республикаси
Алкоголь ва тамаки бозорини
тартибга солиш ҳамда

виночиликни ривожлантириш
агентлиги директори ўринbosари
III. Ражабов



2022 йил

Аҳолимиз орасида кенг қўламда тарқалган туинсиз тамаки маҳсулоти -
носвойнинг инсон саломатлиги учун хавфли жиҳатларини ёритиш,
миллий маданиятимизга хос бўлмаган жиҳатларини кўрсатиб бериш

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Т/р	Техник топшириқ бўйича маълумот ва талаблар	Техник топшириқ бўйича маълумот ва талабларнинг асосий мазмуни
1.	Талабгор	Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги
2.	Лойиҳани амалга ошириш учун асос	<p>Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда носвой ва бошқа тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиниши билин бевосита боғлиқ рак касалликлари туфайли барвакт ўлим 30- 69 ёшдаги эркакларда аёлларга қараганда бир неча марта, хусусан, лаб раки 3,5 марта, оғиз бўшлиғи раки 3,8 марта, милк раки 3,1 марта, ҳалқум раки 2,5 марта, ошқозон раки 2 марта кўп учраган.</p> <p>Ўзбекистонда 1,5 миллиондан ортиқ ҳар куни носвой чекувчининг ярмиси, яъни 765 минг чекувчи барвакт 家喻户晓 (70 ёшгача) хавфига дучор бўлади. Агар тегишли чоралар кўрилмаса, бу рақам янада кўтарилиши мумкин. Инсониятнинг биргина носвой ортидаги бу йўқотиши, оилалар бошига тушадиган кулфатлар ўйлаймизки, арзимас рақамларда исботланмаган.</p> <p>Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили мамлакатимизда тахминан</p>

		<p>15 тонна носвой ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулот бозорларда, кўчаларда ва афсуски, таълим муассасаларига яқин атрофда очик, эркин ҳолда сотилади. Натижада, носвойнинг нархи фильтрли сигареталар нархидан тахминан 4-5 баравар паст бўлиб, бу унинг ёшлар учун ҳамёнбоплигини таъминлайди.</p> <p>Мазкур ҳолатларни олдини олиш ва аҳолини ушбу жараёнлар билан яқиндан таништириш, носвойнинг инсон саломатлигига юқори таъсирини кўрсатиш, энг муҳими, ёшларимизни бу оғатдан саклашдир.</p>
3.	Лойиҳа тури	Носвой ҳақида 1 та овозли ва 1 та овоссиз (афишаларда ёритиш учун маҳсус) ижтимоий ролик тайёрлаш
4.	Молиялаштириш манбай	<p>Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиши ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари</p>
5.	Танлов шарти	Танлов асосида аниқланади.
6.	Буюртмачи томонидан бажарувчидан талаб этиладиган ишлар ва хизматлар рўйхати ва уларнинг хажми (микдори)	<p>Тутинсиз тамаки маҳсулоти носвойнинг мамлакатимизда узоқ йиллар давомида аҳоли, хусусан, эркаклар томонидан истеъмол қилиниши;</p> <p>Инсон саломатлигига салбий таъсири;</p> <p>Ушбу маҳсулотнинг бирор бир санитария қоидаларига амал қилмасдан тайёрланиш жараёни;</p> <p>Маҳсулотнинг таркиби ва заарларини беморлар мисолида кўрсатиш;</p> <p>Миллий менталитетга хос бўлмаган тарзда чиқинди сифатида (тупуриш)</p>

		чиқарилишини мисоллар ёрдамида кўрсатиш лозим.
7.	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	<p>Етказиб берувчи ташкилот ушбу йўналишда фаолият олиб борган бўлиши зарур (Гувоҳнома);</p> <p>Соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларнинг йўқлиги (маълумотнома);</p> <p>Етказиб берувчи ушбу танлов бўйича хизматларни техник топшириқларга қатъий мувофиқ тақдим этиш тўғрисидаги кафолат хати бериши шарт;</p> <p>Иштирокчи қуйидаги босқичда бўлмаслиги: қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик (кафолат хати);</p> <p>Етказиб берувчи ташкилотда камида 2 та профессионал ходимга эга бўлиши керак; (Мавжудлиги тўғрисида кафолат хати);</p> <p>Етказиб берувчи томонидан тасвирга олиш учун камида 2 дона РЕД камера ҳамда 1 дона дрон мавжуд бўлиши (лицензияси мавжудлиги қатъий тартибда) керак; (Кафолат хати); замонавий ёритиш ускуналари эга бўлиши шарт.</p> <p>Монтаж жараёнлари Davinci Resolve дастури орқали амалга оширилиши, бундан ташқари, мураккаб график (3 D) маҳсус эффектлардан фойдаланиш шарт.</p> <p>Етказиб берувчи ташкилот бўйича камидা 5 тадан видеоролик ҳамда камида 2 та фильм тайёрлаган бўлиши керак; (Килинган ишлари бўйича намуна);</p>

		<p>Видеоролика тажрибали сухандон овоз бериши зарур (Буюртмачи томонидан танланади);</p> <p>Талаб ва таклифга кўра ролик таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида 1 тадан 2 тагача бўлган актёрлар таклиф этиш.</p>
8.	Дизайн талаблари	<p>Дизайн Агентликнинг корпоратив услугига мос келиши керак. (ширфт, логотип ва ҳокозо)</p> <p>Услуб: тақдимот ролиги.</p> <p>Контент талаби:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Тутинсиз тамаки маҳсулоти носвойнинг инсон саломатлигига таъсири, ёшлар тарбияси, миллат тақдири ва маънавиятини ўз ичига олган 1 дақиқадан 2 дақиқагача бўлган вақт оралиғидаги овозли ролик; 2. Бундан ташқари, 40 секундлик афишалар учун мўлжалланган овоссиз ролик тайёрлаш. 3. Овоз эфектлари. Ҳамроҳ мусика ҳолатга монанд.
9.	Бажариладиган ишлар ва хизматларнинг аниқ манзили.	Тошкент шахри ва Тошкент вилояти
10.	Муддатлари, бажариладиган ишлар баҳоси:	6 иш куни. Тўлов нархи 30 млн.
11.	Тўлов шартлари:	<p>Олдиндан тўлов 30%</p> <p>Иш ва хизматлар бажарилган сўнг 70% тўлов.</p>

Handwritten signatures are present at the bottom of the page, consisting of two distinct cursive signatures in black ink.